

## МАКТАБГА ЎТИШ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ОИЛАВИЙ АДРИЯТЛАР, УРФ-ОДАТЛАР ОРҚАЛИ ҚАДРИЯТЛИ МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАКЛЛНАТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Акбар Эшқуватович Хўжақулов

Қарши давлат университети ўқитувчиси

[hojaqulov82@mail.ru](mailto:hojaqulov82@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мактабга ўтиш ёшидаги болаларда оилавий қадриятлар, урф-одатлар орқали қадриятли муносабатларини шакллантириш йўллари болалар ва ота-оналарнинг қизиқишларига қараб Оила намунаси - бола оила тўғрисидаги билимларни, ўз оиласи мисолида кўрадиган тасаввурларнинг бола онгида акс этиши. Оила намунасини дастлабки шакллантириш ўз оиласидаги муносабатлар, шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари, оилавий қадриятлар, урф-одатлар, оилавий байрамларда иштирок этиш, йўллари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган.

**Таянч сўзлар:** оила, ота-она бола тарбиячи-педагог методика, муҳит, урф-одатлар оилавий байрамлар, қадриятли муносабат.

### ABSTRACT

Family values in children of pre-school age, ways to form valuable relationships through traditions. Depending on the interests of children and parents. Preliminary formation of the family model reflected on the relationship in the family, the characteristics of interpersonal relationships, family values, traditions, participation in family celebrations, ways.

**Keywords:** family, parents, child-rearing methodology, environment, traditions, family holidays, valuable attitude.

### КИРИШ

Табийки, тарбия жараёни тарбиячининг шахсий намунасига, ўзини тутишига, тарбиячиларга бўлган муносабатига, дунёқарашига, ишчанлик сифатларига ва обрўсига бевосита боғлиқдир. Маълумки, кўпчилик тарбияланувчилар учун тарбиячи-педагог обрўси мутлақдир, улар унга барча жиҳатлардан тақлид қилишга тайёрдирлар. Қачонки тарбиячи-педагог ўз

шахсий намунаси, обрўси билан тизимли ва изчил таъсир кўрсата борса, шундагина ижобий намуна кучи орта боради. Шу билан бирга, тарбияланувчилар педагогнинг сўзи билан иши ўртасида фарқ йўқлигига ишонч ҳосил қилсалар, ҳамда у барчага хайрихоҳ ва тенг муносабатда бўлишини сезсалар унинг ижобий таъсир кучи ўсиб боради.

Педагогик адабиётлардан яна бири – мунозара методидир, у шахс онгини шакллантирувчи метод ҳисобланади. Мазкур метод тарбияланувчиларни қизиқтирувчи қандайдир мавзу устида бевосита қизгин баҳс юритиш орқали амалга оширилади. Мунозара шу билан эътиборлики, қадриятли муносабат, мотивлар фикрлар тўқнашуви, турли нуқтаи назарларни таққослаш натижасида шакллантирилади. Ушбу метод мураккаб ҳисобланиб, ундан асосан бошланғич синфларда ва ундан кейинги таълим жараёнида фойдаланилади. МТТда эса мазкур методдан масалан, қадриятли муносабат ва одоб-ахлоқ мавзусидаги суҳбатларда фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, педагогик жараённинг реал шарт-шароитида тарбия методлари мураккаб ва бир-бирига қарама-қарши, зиддиятли ҳолатларда ўзини намоён этади. Бу ерда алоҳида мантиқий воситалар эмас, балки бир-бирига мувофиқ равишда ташкил этилган тизим ҳал этувчи аҳамият касб этади. Албатта, тарбия жараёнининг қандайдир аниқ босқичида у ёки бу метод кўпроқ ёки камроқ тадбиқ этилиб, айри ҳолда қўлланилиши мумкин. Лекин, мос бошқа методларга таянмасдан, улар билан биргаликда боғланмасдан тарбия жараёни олиб борилса, у ўз аҳамиятини йўқотади ва кўзланган мақсад сари ҳаракат секинлашади.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Оила намунаси - бола оила тўғрисидаги билимларни, ўз оиласи мисолида кўрадиган тасаввурларнинг бола онгида акс этиши. Оила намунасини дастлабки шакллантириш ўз оиласидаги муносабатлар, шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари, оилавий қадриятлар, урф-одатлар, оилавий байрамларда иштирок этиш, меҳнат фаолиятида қатнашиш ва шу кабилар орқали содир бўлади.

Мактабга ўтиш ёшидаги болаларда оила образи икки кўринишда бўлиши мумкин: биринчиси, бадиий адабиётлар, мультфильм ва шунга ўхшашларга асосан шаклланидиган идеал оила образи бўлса, иккинчиси ўз оиласидаги ҳис-туйғулари билан боғлиқ бўлади. Бола қандай шароитда тарбияланади,

унинг оиласи қандай йўл тутади, бу ўзининг келажақдаги оиласининг умидларини шакллантириш учун асосдир, шунинг учун болаларга тўғри хулқ-атвор, ота-оналар ўртасидаги яхши муносабатлар намунасини бериш жуда муҳимдир. Оила ўзининг кадрият йўналиши, шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, бутун ҳаёт тарзи тўғридан-тўғри ёки билвосита, кўпроқ ёки озроқ даражада болани келажақдаги оилавий ҳаётига тайёрлайди. Оила ва МТТнинг биргаликдаги ҳаракатлари мактабгача ёшдаги болаларда оиланинг ижобий имиджини шакллантиришга таъсир қилиши мумкин. Мактабгача ёшдаги болаларнинг доимо ёш, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзига хослиги ҳақида қисқача айтганда, беихтиёр эътиборни, қисқа муддатли қизиқишларни таъкидлаш керак бўлади, бунда ўйин асосан боланинг ривожланишини белгилайдиган етакчи фаолиятдир. Шунинг учун болалар билан ишлашда машғулотларга ҳиссий оҳанг берадиган ва шу билан болаларнинг қизиқишини кўллаб-қувватлайдиган ўйин техникасидан фойдаланиш керак.

Ушбу йўналишда педагог-тарбиячининг болалар билан ишлаш шакллари куйидагича бўлиши мумкин:

- яқка тартибдаги ва гуруҳда суҳбатлар. Суҳбат – асосида дастлабки маълумотларни тўплаш методидир. Ушбу метод, маълум қоидаларга риоя қилган ҳолда, ўтмиш ва ҳозирги воқеалар, барқарор мойилликлар, баъзи ҳаракатларнинг мотивлари ва субъектив ҳолатлар тўғрисидаги кузатувлардагидан кам бўлмаган ишончли маълумотларни олишга имкон беради. Мазкур методдан фойдаланиш санъати - қандай сўрашни, қандай саволларни беришни, олинган жавобларга қандай ишонч ҳосил қилишни аниқлашни билишдир. Суҳбат сўроққа айланмаслиги жуда муҳим, чунки бу ҳолатда унинг самарадорлиги пасаяди.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ҳикоялар тузиш, репортажлар (савол-жавоблар оқшоми, иш жойидан репортаж, севимли онаси ҳақидаги ҳикоялар тузиш ва шу кабилар);

- Такдимотлар ва видеоларни кўриш;

- Ўйин фаолияти (дидактик ўйинлар, ўйин машғулотлари, ўйин дарслари).

Дидактик ўйин - кўп томонли, мураккаб педагогик ҳодиса: бу мактабгача ёшдаги болаларни ўқитишнинг ўйин усули ва машғулот шакли, мустақил ўйин фаолияти ва бола шахсини ҳар томонлама тарбиялаш воситасидир.

- Нутқий билиш фаолияти (тематик машғулотлар, бадиий адабиётларни ўқиш); фаолият маҳсулдорлиги ("Менинг оилам" мавзусида расм чизиш, онасига гулдаста яшаш, барча оила аъзолари учун карточкалар тайёрлаш ва бошқалар);

- Ота-она бурчагини дизайни билан шуғулланиш. МТТда ота-оналар бурчаги - бу ота-оналар билан мулоқот қилишнинг яхши методидир. Ҳар бир педагог-тарбиячи ота-оналар билан боғланиши учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланиши жуда муҳимдир. Ахир, ота-оналар ўз фарзандларининг ютуқлари ҳақида мунтазам равишда билиб боришлари, машғулотлар ва бошқа тадбирлар ҳақида маълумот олишлари, болаларни тарбиялаш бўйича яхши маслаҳатларни олишлари мумкин.

- Оилавий байрамларни ташкиллаштириш. Оилавий байрамлар - болалар ҳаётидаги алоҳида кунларни, қувонч ва ҳиссий кўтаринкиликни ўз ичига олади, ҳар бир бола учун ёқимли совғаларни ва дўстлар билан очиқ мулоқотга имкон беради. Оилавий байрамларни ўтказишдан мақсад - ота-оналарнинг болаларни байрамда имкони борича жалб қилиш зарурлигини тушунишларидир.

-Оилавий альбом. "Менинг оилам" фотоальбомини яратиш - оиланинг шиори жамоавий бўлиб танланган. Ҳаёт қоидалари, альбомни шакли (китоб, глобус, гуллар ва бошқалар). Оила аъзоларининг ҳар бирига алоҳида фотосуръатлар, савол-жавобларни жойлаштириш учун алоҳида саҳифа ажратилади.

- Муайян оиланинг қадриятлар тизимини, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналарни тушунишнинг самарали воситаси бўлган оилавий музейларни яратиш. Бундай музейни ташкил этиш ҳақи равишда катталар (оила аъзолари, педагоглар) ва болаларнинг нафақат ўз оиласининг, балки бутун жамиятнинг маданий меросини ўрганиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган таълимий ва ижодий манфаатларини қондиришга қаратилган биргаликдаги фаолият шакли сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Оила музейи фаолиятининг принциплари: кўргазмалилик, ишончлилик, музей майдонидаги фаолиятнинг психологик қулайлиги ва хавфсизлиги, болалар боғчасида ва оилада таълим-тарбияни мувофиқлаштириш ва бошқалар.

## **ХУЛОСА**

Хулоса қилиб айтганда, МТТда оиланинг ўрни, қариндошлик тизими ҳақида бошланғич, аммо элементар хабардор қилишга, уларнинг оила аъзоси

сифатидаги ўрнини аниқлашга имкон беради. Мактабгача ёшдаги болаларда оила образини шакллантириш бўйича педагог-тарбиячининг турли хил иш шакллари болалар ва ота-оналарнинг қизиқишларига қараб энг оптималини танлашга имкон беради.

## REFERENCES

1. Шадиёв Р.Д., Ибрагимова Г, Набиев И Современное дошкольное образование и инновационная деятельность. Бюллетень науки и практики — Bulletin Of Science and Practice (scientific journal) №4 2018. p-457-460. DOI: [10.5281/zenodo.399225](https://doi.org/10.5281/zenodo.399225)
2. Khujakulov A.E. The formation of value relations to the family pre-school as psycho-pedagogical problem. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 7 No. 2, 2019
3. Рожков, М.И. Воспитание толерантности у школьников: учеб.-метод. пособие/ М.И. Рожков, Л.В. Байбородова, М.А. Ковальчук - Ярославль: Академия развития. - 2003. -191 с.
4. Хўжакулов А.Э. МТТ тарбияланувчиларининг оилага қадриятли муносабатини шакллантиришда таълим-тарбия жараёни субъектларининг роли ҳамда уларнинг тамойиллари Педагогика ва психологияда инновациялар махсус сон журнали Тошкент, 2020. 62-67- бетлар